



«МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ» ЙЎНАЛИШИ ТАЛАБАЛАРИНИ ПЕДАГОГИК ФАОЛИЯТГА ТАЙЁРЛАШНИНГ НАЗАРИЯ ВА АМАЛИЁТДАГИ ҲОЛАТИ

Маҳкамова М.Ю.

*Ренессанс таълим университети
«Педагогик таълим ва психология»
кафедраси проф. в.б.*

Таянч сўзлар: билим, кўникма, малака, жараён, ўқитиш жараёни, қоида, узлуксиз таълим, таълим тизими, педагогик фаолият, методик таъминот, ўзаро ҳамкорлик, педагогик фаолият, тизимли, педагогик талаб, ижодий изланиш, лойиҳалар яратиш.

Ключевые слова: знания, умения, навыки, процесс, процесс обучения, правило, непрерывное образование, система образования, педагогическая деятельность, методическое обеспечение, взаимодействие, педагогическая деятельность, системность, педагогический спрос, творческий поиск, создание проектов.

Key words: knowledge, skills, qualifications, process, teaching process, rule, continuing education, educational system, pedagogical activity, methodological support, interaction, pedagogical activity, systematic, pedagogical demand, creative search, creation of projects.

Резюме:

Мақолада "Мақтабгача таълим" йўналиши талабаларини педагогик фаолиятга тайёрлашнинг назария ва амалиётдаги ҳолатини ўрганиш ва бу борада ҳал этилиши зарур бўлган вазибалар ҳақида фикр юритилган. Респондент талабалар билан ишлаш, улар ўртасида анкета ва тест сўровларини ўтказиш, суҳбат ва савол жавобларни уюштириш, тажриба-синов ишларига қадар бўлган даврда уларнинг мақтабгача таълим муассасаларида педагогик фаолиятни ташкил этишга тайёргарликлари қоникарли аҳволда эмаслигини кўрсатди. Талабаларнинг аксарияти "Педагогика" фани асосларини назарий жиҳатдан пухта ўзлаштирган бўлсалар-да, бироқ, мақтабгача таълим муассасалари тарбияланувчиларини мақтаб ҳаётига тайёрлаш, уларни салбий ижтимоий таъсирлардан ҳимоялаш, шунингдек, оилаларга педагогик ёрдам кўрсатиш малакаларига эга эмасликларини кўрсатди. Олиб борилган тажриба тадқиқот ишлари шуни кўрсатдики, Олий таълим муассасаларида талабаларни тарбиячилик фаолиятига тайёрлашда амалий машғулот ва педагогик амалиётларнинг ташкил этилишида ўқув режасида кўпроқ соат ажратилиши лозимлигини кўрсатди.

Резюме:

В статье рассматривается состояние подготовки обучающихся по направлению "дошкольное образование" к педагогической деятельности в теории и практике и рассматриваются задачи, которые необходимо решить в этом отношении. Респондент показал, что их готов-

ность к организации педагогической деятельности в дошкольных учреждениях в период до проведения опытно-испытательной работы, работы с учащимися, проведения анкетирования и тестовых опросов среди них, организации бесед и ответов на вопросы находится в неудовлетворительном состоянии. Хотя большинство обучающихся теоретически овладели основами предмета "педагогика", однако, дошкольные образовательные учреждения занимаются подготовкой своих воспитанников к школьной жизни, защитой их от негативных социальных воздействий, а также, оказание педагогической помощи семьям. Проведенная экспериментальная исследовательская работа показала, что при подготовке студентов к воспитательной деятельности в высших учебных заведениях на организацию практических занятий и педагогических практик необходимо выделять больше часов в учебном плане.

Summary:

The article reflects on the study of the state in theory and practice of preparing students of the direction "preschool education" for pedagogical activity and the tasks that need to be solved in this regard. The respondent showed that working with students, conducting questionnaires and test surveys between them, organizing conversations and question answers, their preparations for organizing pedagogical activities in preschool educational institutions in the period leading up to pilot work were not in a satisfactory condition. Although the majority of students have mastered the basics of the subject of "Pedagogy" in theory, however, preparing schoolchildren for school life, protecting them from negative social influences, as well as, showed that they do not have the skills to provide pedagogical assistance to families. The experimental research work carried out showed that in the preparation of Students for educational activities in higher educational institutions, more hours should be allocated in the curriculum in the organization of practical training and pedagogical practices.

Ўзбекистон Республикасида мустақиллик йилларида узлуксиз таълим тизимини такомиллаштириш, жаҳон таълими стандартлари даражасида шахсга таълим бериш ва тарбия самарадорлигини ошириш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири сифатида белгиланди. Жамият маънавиятини юксалтиришга бўлган ижтимоий эҳтиёжни қондириш талаби таълим тизимини такомиллаштиришни тақоза этади. Бу ўринда Ўзбекистон республикаси президенти Ш.М.Мирзиёев қуйидагиларни таъкидлайди:

Республикада амалга оширилаётган таълимий ислохотлар жараёнида малакали кадрларни тайёрлашдек долзарб масаланинг ижобий ечимга эга бўлишини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилди.

Айни вақтда республикада олий таълим муассасаларида мазкур фан асосида талабаларни педагогик фаолиятни ташкил этишга тайёрлаш йўлида амалий ҳаракатлар олиб борилмоқда.

«Мактабгача таълим» йўналиши талабаларини педагогик фаолиятга тайёрлаш - аниқ мақсадга йўналтирилган, изчил, тизимли ва узлуксиз ташкил этилувчи таълим жараёни саналади. Ушбу жараённинг самарали ташкил этилишида: педагогик эҳтиёж, таълим муассасасининг моддий-техник имконияти ва малакали педагог кадрларга эгаллиги, методик таъминотнинг бойлиги, ўқув машғулотларининг педагогик талабларга мувофиқ ташкил этилиши муҳим аҳамиятга эга.



Муаммони назарий ва амалий ўрганиш педагогика олий таълим муассасаларининг «Мактабгача таълим» йўналиши талабаларини педагогик фаолиятга тайёрлаш борасидаги дастлабки тажрибалар тўпланганлигини кўрсатди. Бироқ олий таълим муассасалари олдида бу йўлда ҳал этилиши зарур бўлган бир қатор вазифалар мавжуд. Бизнинг назаримизда улар қуйидагилардан иборат:

- Олий таълим муассасаларининг «Мактабгача таълим» йўналишида «Педагогика» ўқув фанини самарали ўқитишга ёрдам берувчи зарур педагогик ва методик шарт-шароитларни яратиш.

- педагогларда «Мактабгача таълим» йўналиши талабаларини педагогик фаолиятга тайёрлаш жараёнига нисбатан технологик ёндашувни қарор топтириш.

- «Мактабгача таълим» йўналиши талабаларида педагогик фаолиятнинг моҳияти, унинг ижтимоий-миллий аҳамияти ва ижобий натижаларини тўғри англаш ҳамда баҳолаш кўникмаларини шакллантириш.

- талабаларни педагогик фаолиятга тайёрлашда таълим муассасалари билан тегишли ташкилотлар ўртасида ўзаро ҳамкорликни қарор топтириш.

Мазкур вазифаларнинг ижобий ҳал этилиши педагогика олий таълим муассасаларида талабаларни педагогик фаолиятга тайёрлашда юқори эришишни таъминлаб қолмай, жамиятда кўзга ташланаётган бир қатор муаммоларни қисман ва тўлақонли ҳал этилишига имкон беради. Айни вақтда педагогика олий таълим муассасалари олдида талабаларни мактабгача таълим ёшидаги болаларни мактаб таълимига тайёрлашга қаратилган педагогик фаолиятни ташкил этишга йўналтириш, уларда бу борадаги билим, кўникма ва малакаларни шакллантириш вазифаси турибди.

Асословчи тажриба даврида талабаларнинг мактабгача таълим муассасаларида педагогик фаолиятни ташкил этиш борасидаги назарий билим, амалий кўникма ва малакаларга эгаликлари ҳам ўрганилди. Ўрганиш талабалар фаолиятини бевосита ва билвосита кузатиш, улар ўртасида анкета ва тест сўровларини ўтказиш, суҳбатлар уюштириш асосида амалга оширилди. Анкета сўрови талабаларнинг олий таълим «Педагогика» фанининг ўқитилиш ҳолати, яратилган шарт-шароитлар тўғрисидаги фикрларини ўрганишга ёрдам берган бўлган бўлса, тест сўрови уларнинг «Педагогика» фани асосларини қай даражада ўзлаштирганликларини баҳолаш имконини берди.

Тажриба-синов ишларига жами 300 нафар талабалар жалб этилиб, улар тасодифий танлов асосида тажриба (148 нафар) ва (152 нафар) гуруҳларга бириктирилди.

Асословчи тажриба даврида респондент-талабалар анкета сўровига куйидагича жавоб қайтардилар.

Респондент-талабаларнинг анкета сўрови бўйича жавоб кўрсаткичлари (асословчи тажриба) 1-жадвал.

Саволлар тартиби	Тажриба-синов гуруҳлари			Назорат гуруҳлари		
	Ижобий	қониқарли	Салбий	Ижобий	қониқарли	Салбий
	Фоиз ҳисобида					
1-савол	21,6	46,6	31,7	19	52	29
2-савол	20,2	45,2	34,5	22,4	45,4	32,2
3-савол	18,2	45,9	35,8	16,4	49,3	34,2
4-савол	10,8	43,9	45,2	11,8	46,1	42,1
5-савол	16,9	48,6	34,4	18,4	45,4	36,2
6-савол	16,8	50,7	32,5	16,4	50	33,6
7-савол	15,5	45,9	38,5	20,4	48,6	31
8-савол	17,6	49,3	33,1	19,1	51,3	29,6

Респондент-талабаларнинг анкета сўровига жавоблари мазмун нуқтаи назардан ўзганилганда куйидагилар маълум бўлди.

- талабаларнинг кўпчилигини “Педагогика” фани бўйича машғулотларнинг анъанавий ёндашув асосида ташкил этилиши, “жонли” мулоқотлар асосида ташкил этилмаслиги, талабалар билан ўқитувчиларнинг фаол муносабатда бўлмасликлари, машғулотларда асосан ҳикоя, оғзаки баёндан фойдаланилиши қониқтирмайди.

- умумий ҳисобда талабалар фан ўқитувчиларининг касбий малакаларини ижобий баҳолашмаган, бунга сабаб уларнинг доимий равишда машғулотларни ташкил этишга ижодий ёндашмасликлари, таълим жараёнини турдли шакл, метод ва воситалар ёрдамида ташкил этмасликлари, талабаларнинг фаол бўлишларига йўл қўймасликларидир.

-кўргазмали куруллар сонининг кўп эмаслиги, фан бўйича ўқув манбаларининг тақчилиги каби ҳолатлар машғулотларнинг дидактик таъминоти юқори бўлмаслигига сабаб бўлмоқда.

-машғулотлар ташкилий-технологик жиҳатдан бугунги кун, шу жумладан,

талабаларнинг эҳтиёжини қондира олмапти; аксарият ҳолатларда назарий машғулотлар маъруза, амалий машғулотлар эса семинар шаклида ташкил этилади; талабалар эса машғулотларнинг фаол мулоқот ва баҳс мунозарага асосланган ҳолда ишчанлик руҳида ўтишини исташади.



Маъруза ва семинар машғулотларининг асосий шакллари бўлиб, гарчи муайян даражада талабалар томонидан назарий билим, амалий кўникмаларни ўзлаштиришга ёрдам бераётган бўлса-да, бироқ, юқори самарадорликни таъминлай олмайди.

-машғулотлар жараёнида кенг қўлланиладиган тушунтириш, оғзаки баён, ҳикоя, савол-жавоб каби методлар талабаларда ижодий изланиш ҳамда фаолликни юзага келтиришда у қадар катта имкониятга эга эмас; шу боис ўқитувчилар асосий эътиборни талабаларни фаолликка, ижодий изланишга, мустақил ва эркин фикрлашга ундовчи методлардан фойдаланишлари лозим;

-машғулотлар жараёнида асосий воситалар сифатида ўқитувчининг нутқи, кўрсатмали қуроллар ва айрим манбалар намоён бўлади; ахборот технологиялари каби воситалардан эса деярли фойдаланилмайди; бу ҳолат ўз-ўзидан талабаларнинг фан асосларини суғуришга олиб келади;

- “Педагогика” фани бўйича ташкил этилувчи машғулотлар талабаларда ижтимоий-педагогик фаолликни юзага келтириши лозим, бироқ, улар талабаларга назарий билимларни етказиб беришдангина иборат бўлиб қолмоқда.

Асословчи тажриба даврида талабаларнинг “Педагогика” фани асослари бўйича билим, кўникма ва малакалари даражасини баҳолаш мақсадида тест топшириғидан ҳам фойдаланилди. Талабаларнинг тест топшириғи бўйича жавоб кўрсаткичлари қуйидаги жадвалда ўз аксини топди.

2-жадвал

Респондент-талабаларнинг тест топшириғи бўйича жавоб кўрсаткичлари (асословчи тажриба)

Даражалар Гуруҳлар	Юқори		Ўрта		Паст	
	Нафар хисобида	Фоиз хисобида	Нафар хисобида	Фоиз хисобида	Нафар хисобида	Фоиз хисобида
Тажриба (n= 148 нафар)	29	19,6	55	37,2	64	43,2
Назорат (n=152 нафар)	32	21,2	53	34,8	67	44,1

Асословчи тажриба даврида, шунингдек, респондент-талабаларнинг мактабгача таълим муассасаларида педагогик фаолиятни ташкил этишга оид амалий кўникма ва малакаларга эгаликлари ҳам ўрганилди. Талабаларнинг кўникма ва малакаларга эгаликлари уларга амалий (лой-



иҳалар яратиш, кичик тадқиқотлар олиб бориш каби) ҳамда педагогик масалаларни ечиш топшириқларини бериш орқали ўрганилди.

Натижалар қуйидаги жадвалда ўз аксини топган. (3-жадвал)

**Респондент-талабаларнинг педагогик фаолиятни ташкил этиш-
га оид амалий кўникма ва малакалари даражаси.
(асословчи тажриба)**

Даражалар Гуруҳлар	Юқори		Ўрта		Паст	
	Нафар хисобида	Фоиш хисобида	Нафар хисобида	Фоиш хисобида	Нафар хисобида	Фоиш хисобида
Тажриба (n= 148 нафар)	22	14,9	40	27	86	58.1
Назорат (n=152 нафар)	26	17,1	34	22,4	92	60,5

Асословчи тажриба яқунлари гарчи олий таълим муассасаларида талабаларни педагогик фаолиятга тайёрлаш йўлида амалга оширилаётган бўлса-да, бироқ ҳал этилиши лозим бўлган вазифалар ҳам мавжудлигини кўрсатади. Бизнинг назаримизда бундай вазифалар қуйидагилардан иборат:

-Ўзбекистон Республикасининг тараққиёт йўналиши ҳамда минтақанинг ўзига хос жиҳатларини инобатга олган ҳолда “Педагогика” фани бўйича замонавий, хусусан, янги авлод дарсликларига қўйилган талабларга тўла жавоб бера оладиган дарсликни яратиш;

-талабаларда мактабгача таълим муассасаларида педагогик фаолиятни самарали йўлга қўйиш омили бўлган ўқув фаоллиги ҳамда мустақил таълим олиш малакаларининг шаклланмаганлиги;

-талабалар томонидан ривожланган хорижий мамлакатларнинг таълим муассасаларида педагогик фаолиятни йўлга қўйиш тажрибаларини ўрганиш учун зарур шарт-шароитларнинг яратилмаганлиги.

Педагогик тадқиқотларни олиб боришда таълим жараёни учун характерли бўлган ҳамда тадқиқотчи томонидан аниқланган муаммоларни ижобий ҳал қилиш чора-тадбирларини белгилаш тақозо этилади. Шу сабабли асословчи тажриба даврида юқорида кўрсатиб ўтилган муаммоларни ҳал этишга ҳам эътибор қаратилди. Ана шу мақсадда қуйидаги методик тавсиялар ишлаб чиқилди.

Талабаларни педагогик фаолиятга тайёрлашга оид илмий-методик тавсиялар ва уларни амалиётга жорий этиш йўллари.

Илмий-методик тавсиялар	Уларни амалиётга жорий этиш йўллари.	Қутиладиган натижалар
-------------------------	--------------------------------------	-----------------------



<p>Туркум ижтимоий-гуманитар фанлар (жумладан, "Мактабгача таълим педагогикаси", "Оила-педагогикаси", "Педагогика", "Психология",)</p>	<p>, "Мактабгача таълим педагогикаси", "Оила педагогикаси", "Педагогика", "Психология",) фанлари бўйича мактабгача таълим муассасаларида педагогик фаолиятни ташкил этишга доир мавзуларни аниқлаш ва уларнинг имкониятларини бирлаштириш.</p>	<p>Талабаларнинг умумий педагогик билимлари бойийди, касбий малакалари такомиллашади, улар психологик жиҳатдан педагогик фаолиятни ташкил этишга тайёр бўладилар.</p>
<p>Талабаларда ўқув фаоллигини, шунингдек, мустақил таълим олиш малакаларини шакллантиришга эътибор қаратиш.</p>	<p>Машғуллотларда талабаларни мустақил таълим олишга, муаммоли вазиятларни ҳал этишга ундаш, талабаларнинг шахсий ташаббусларини рағбатлантириш.</p>	<p>Талабаларда ижтимоий ва ўқув фаоллиги, мустақил таълим олиш малакалари шаклланади.</p>
<p>Талабаларнинг ривожланган хорижий мамлакатлар ҳамда республика мактабгача таълим муассасалари ўртасида узвий ҳамкорликка эришиш.</p>	<p>Олий таълим ва мактабгача таълим муассасалари ўртасида таълимий шартномаларни тузиш орқали талабаларнинг мактабгача таълим муассасаларида узлуксиз педагогик амалиётни олиб боришларини йўлга қўйиш.</p>	<p>Талабаларнинг касбий билимлари бойийди, педагогик фаолиятни самарали ташкил этиш малакалари такомиллашади.</p>
<p>Талабаларнинг ривожланган хорижий мамлакатлар ҳамда республика мактабгача таълим муассасаларининг педагогик фаолиятни йўлга қўйишга доир илғор тажрибалари ҳамда методлари билан танишишлари учун зарур шарт-шароитларни яратиш.</p>	<p>Тўғарақлар фаолиятини такомиллаштириш, илмий анжуманларни ташкил этиш, "Интернет мулоқотлари" ни ўтказиш асосида хорижий мамлакатларнинг педагогик тажрибаларини ўрганиш ва илғор жиҳатларидан ўз фаолиятларида фойдаланиш имкониятини яратиш.</p>	<p>Талабаларнинг касбий билимлари бойийди, педагогик фаолиятни ташкил этишга ижодий ёндашиш малакалари такомиллашади.</p>

Шундай қилиб, "Мактабгача таълим" йўналиши талабаларини педагогик фаолиятга тайёрлашнинг назария ва амалиётдаги ҳолатини



ўрганиш бу борада ҳал этилиши зарур бўлган вазифалар мавжудлигини кўрсатди.

Респондет талабалар билан ишлаш, улар ўртасида анкета ва тест сўровларини ўтказиш, суҳбат ва савол жавобларни уюштириш, тажриба-синов ишларига қадар бўлган даврда уларнинг мактабгача таълим муассасаларида педагогик фаолиятни ташкил этишга тайёргарликлари қониқарли аҳволда эмаслигини кўрсатди. Талабаларнинг аксарияти “Педагогика” фани асосларини назарий жиҳатдан пухта ўзлаштирган бўлсалар-да, бироқ, мактабгача таълим муассасалари тарбияланувчиларини мактаб ҳаётига тайёрлаш, уларни салбий ижтимоий таъсирлардан ҳимоялаш, шунингдек, оилаларга педагогик ёрдам кўрсатиш малакаларига эга эмасликларини кўрсатди.

Хулоса қилиб айтганда, бугунги кунда бўлажак тарбиячиларни мактабгача таълим муассасаларида тарбиячилик фаолиятига тайёрлаш энг долзарб масалалардан биридир. Мактабгача таълим муассасаларининг тарбиячиси ҳар томонлама билим, қўникма ва малакаларга эга бўлиши зарур. Олиб борилган тажриба тадқиқот ишлари шуни кўрсатдики, Олий таълим муассасаларида талабаларни тарбиячилик фаолиятига тайёрлашда амалий машғулот ва педагогик амалиётларнинг ташкил этилишида ўқув режасида кўпроқ соат ажратилиши лозимлигини кўрсатди.

Адабиётлар:

1. Шарон Вунне. Касбий педагогика ва маҳорат. АҚШ. 2015.
2. Абу Наср Фаробий. Фозил одамлар шаҳри. Тошкент: Халқ мероси, 1999.
3. Асқарова Ў. Қорабоев З. Педагогик маҳорат асослари. Муаммоли маърузалар матни. Наманган, 2005.
4. Ибрагимов. Х., Абдуллаев Ш. Педагогика назарияси. Дарслик. Т. Фан ва технология. 2008.
5. Махкамова М. Ю. Касбий педагогика. Т. 2018.